1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ҲАММА АҲИЛ, ПОКИЗА ЯШАСИН

КИМНИНГ ФАЗИЛАТИ, КИМНИНГ ГУНОҲИ ҚАНЧА — ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ АЖРИМ ҚИЛИБ БЕРАДИ

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 135 (21. 234) 1992 йил 10 июль, жума

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» 1991 йил 15 февралда қабул қилган Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил №4, 76-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) кириш қисмидан «СССР Конституциясига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 3-моддасининг иккинчи қисмидан ва 23-моддасидан тегишли равишда «СССР» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 6-моддасининг 1-қисми чиқариб ташлансин;

4) 9-моддасининг биринчи қисмидан «бошқа жамоат ҳуқуқларининг, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 10-модданинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкини ҳосил қилишнинг пул билан таъминлаш манбалари»;

6) 11-модданинг биринчи ва тўққизинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, жамоатларнинг, вилоятлараро бирлашмаларининг Уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади».

«Халқаро жамоат бирлашмаларининг, уларнинг бўлинмаларининг, филиаллари, шу жумладан, оммавий ҳаракатлари ва уларнинг тармоқ бўлинмаларининг, шунингдек, жамоатларнинг ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан, оммавий ҳаракатларнинг) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди».

7) 12-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқаро, жамоатларнинг ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг Уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан — Ўзбекистон Республикаси Олий судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари Уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса — тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин»

8) 15-модда учинчи қисмининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

9) 18-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий жамоат ҳаракатларининг диний ташкилотлардан, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан молиявий ва ўзга ёрдам олиши ман этилади, улардан тушган маблағларни эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат фойдасига ўтказиб юборади».

10) 19-модда қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан келиб тушган маблағлар эвазига нашриклик фаолиятини юритишга ва матбаа нашрларини таъмин этишга ҳақли эмас».

11) 20-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар».

12) 22-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида ва 18-моддасининг тўртинчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тўхтатилиши мумкин».

«Халқаро жамоат бирлашмалари, унинг бўлинмалари, филиаллари, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Бош давлат солиқ бошқармасининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралари ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди».

2. Ушбу Қонун имзоланган дақиқадан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун СССР мавжуд бўлган пайтда қабул қилинган эди. Унинг ҳудудида мустақил суверен давлатлар ташкил топганидан сўнг ушбу Қонуннинг бир қанча қоидалари ҳаёт воқеликларига ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунга зид келиб қолди. Бу гап хусусан халқаро ва чет эл жамоат бирлашмалари, уларнинг бўлимлари ва филиаллари, республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари, шу жумладан, оммавий ҳаракатларга тааллуқлидир. Улар эндиликда Уставлари рўйхатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъиян риоя этганлари тақдирдагина фаолият олиб бора оладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲЛАР

Бундан ташқари бутун ривожланган дунёда ўз олдига сиёсий мақсадлар қўйган сиёсий партияларни, жамоат бирлашмаларини ва ҳаракатларини, шунингдек, уларнинг матбуот органларини ажнабий давлатлар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан пул билан ва бошқа йўсинда моддий жиҳатдан ёрдам бериш қонунлар билан тақиқланади ва қораланади. Шунисиз тамомила аёнки, бундай партия ёки жамоат бирлашмалари ўз фаолиятида, шу жумладан, ноширлик фаолиятида энг аввало, уларни моддий қўллаб-қувватлаганларнинг манфаатларига амал қиладилар, айни шу «раҳнамолари» буюрган сиёсатни ҳар қандай йўллар билан амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ички ишларимизга четдан аралашувнинг ана шу хилдаги имкониятларини бартараф этади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ дин давлатдан ажратилганлигини инобатга олиб, ўзгартиш ва қўшимчаларда сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг матбуот органлари молиявий ва ўзга хил моддий ёрдамни диний ташкилотлардан ҳам олиши тақиқланади.

Шундай қилиб «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида қабул қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар билан бирга Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шу мақсадда сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари фаолиятини тартибга солиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИДА ҲАРБИЙ ҲАЙЪАТНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий-ўқув юртлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибида ҳарбий ҳайъат ташкил этилиб, биринчи инстанция бўйича ўта муҳим ишларни кўриш, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш ваколатлари унинг зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъат ташкил этилиши муносабати билан Олий судга тегишли штат сонини ажратиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий судларнинг илгари белгиланган тартибда сайланган судьяларининг ваколатлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИГА АЙРИМ ВАКОЛАТЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва собиқ СССРнинг Олий суди тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Собиқ СССРнинг Олий суди Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига нисбатан чиқарган судлов қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 1985—1989 йилларда чиқарган айрим қарорларини қайта кўриб чиқиш ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумига берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙРИМ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари тасдиқлансин:

«Ўртоқ Р. Ш. Шоғуломовни Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 5 февралда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Ш. О. Алимовни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 5 февралида чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Ж. А. Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 5 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасидаги ўзгаришлар ҳақида» 1992 йил 6 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концернини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 6 февралда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ М. Қорабоевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 10 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 11 февралда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ А. Н. Возненкони Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 12 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт истиқболини белгилаш комитетини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 13 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети (Ўзбекистон Республикаси ФТДК)ни ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 18 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 21 февралда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Ў. Т. Султоновни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 22 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Шартномалар ва савдо давлат-акционерлик уюшмасини ташкил қилиш тўғрисида» 1992 йил 28 февралда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ташкилий тузилишини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 9 мартда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ А. Н. Исаевни Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида» 1992 йил 11 мартда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ П. Қ. Нўъмоновни Ўзбекистон Республикаси монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 11 мартда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Н. Ғ. Ғойбовни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Н. Р. Юсупбековни Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитетининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 21 апрелда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Е. С. Тёмкинни Ўзбекистон Республикаси қурилиш ишлари давлат қўмитасининг раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида» 1992 йил 29 апрелда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигини Ўзбекистон давлат-акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмасига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 5 майда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Р. Р. Ражабовни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 6 майда чиқарган Фармонининг Р. Р. Ражабовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод қилишга оид қисми;

«Ўртоқ Қ. Ж. Ҳаққуловни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни бошқаруви раиси этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 3 июнда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ К. Н. Тўлагановни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 4 июнда чиқарган Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантириш тўғрисида» 1992 йил 3 июлда чиқарган Фармони;

«Ўртоқ Р. Ў. Аҳмедовни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлаш тўғрисида» 1992 йил 3 июлда чиқарган Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ, АЙРИМ ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДЛАРИНИНГ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Абдуллаев Неъмат — Тошкент шаҳар судининг аъзоси, шу суд жиноий ишлар бўйича суд ҳайъатининг раиси ва раёсатининг аъзоси вазифаларидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб;

Алиқулов Райимқул — Хоразм вилояти судининг раиси, шу суд раёсатининг раиси вазифаларидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб;

Рўзиев Обиджон Орифович — Тошкент шаҳар судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси этиб;

Раҳмонов Амрулло — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Бухоро вилояти судининг раиси этиб;

Умурзоқов Бахтиёр Раимович,

Қувватов Раббим — Жиззах вилояти судининг аъзолари этиб;

Қурбонов Маҳмуджон — Навоий вилояти судининг раиси этиб;

Фозилова Малика Абдуллаевна — Бухоро вилояти судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари этиб;

Барноев Ғофур Латибович — Бухоро вилояти судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Навоий вилояти судининг аъзоси этиб;

Беккулов Сағдулла Баҳранович,

Жузбанов Ҳабибулла Сейсембаевич,

Исоқов Ходжи-Мурод Исроилович,

Седов Владимир Данилович,

Ҳамидов Асқарали,

Қўшатов Тўйчи — Навоий вилояти судининг аъзолари этиб;

Охунова Гулнора Ҳабибуллаевна — Наманган вилояти судининг аъзоси этиб;

Тоғаев Олимжон Саидович,

Ҳусенов Остонқул — Самарқанд вилояти судининг аъзолари этиб;

Жўраев Алижон Отақулович — Сирдаё вилояти судининг аъзоси этиб;

Бегимов Чоршанба Бозорович,

Қурбонов Холиёр Ёрматович — Сурхондарё вилояти судининг аъзолари этиб;

Соловьев Юрий Юрьевич — Тошкент шаҳар судининг аъзоси этиб;

Сулаймонов Мурод Ҳазратқулович — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси вазифасидан озод қилиниб, Фарғона вилояти суди раисининг ўринбосари этиб;

Жуманиёзов Ҳайтбой — Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари, шу суд раёсати раисининг ўринбосари вазифаларидан озод қилиниб, Хоразм вилояти судининг раиси этиб;

Шахавдинов Ғайрат Талгатович — Хоразм вилояти судининг аъзоси этиб сайлансин.

2. Алимқулов Райимқул — Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъатининг раиси ҳамда Олий суд раёсатининг аъзоси этиб;

Раҳмонов Амрулло — Бухоро вилояти суди раёсатининг раиси этиб;

Қурбонов Маҳмуджон — Навоий вилояти суди раёсатининг раиси этиб;

Фозилова Малика Абдуллаевна,

Ҳамидов Асқарали — Навоий вилояти суди раёсатининг аъзолари этиб;

Қўшатов Тўйчи — Навоий вилояти суди жиноий ишлар бўйича суд ҳайъатининг раиси ҳамда вилоят суди раёсатининг аъзоси этиб;

Ҳақназаров Шавкат — Сирдарё вилояти суди раёсатининг аъзоси этиб;

Сулаймонов Мурод Ҳазратқулович — Фарғона вилояти суди раёсати раисининг ўринбосари этиб;

Жуманиёзов Ҳайтбой — Хоразм вилояти суди раёсатининг раиси этиб тасдиқлансин.

3. Турғунбоев Обиджон Турғунбоевич — Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича суд ҳайъатининг раиси ҳамда Олий суд раёсатининг аъзолиги вазифаларидан;

Ҳамраев Қобил Шаропович,

Шакирьянов Расим Валиевич — ўз розиликларига биноан бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Бухоро вилояти судининг аъзоси вазифасидан;

Назаров Пўлат — ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Наманган вилояти судининг аъзоси вазифасидан;

Қобилов Абдуҳамид Аҳмедович — ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти судининг аъзоси вазифасидан;

Нурматов Қурбон Шералиевич — ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти судининг аъзоси, шу суд жиноий ишлар бўйича суд ҳайъатининг раиси ва раёсатининг аъзоси вазифаларидан;

Расулов Ўлмас Дониёрович — ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сирдарё вилояти судининг аъзоси, шу суд жиноий ишлар бўйича суд ҳайъатининг раиси ва раёсатининг аъзоси вазифаларидан;

Ишчанов Матёқуб — ўз розилигига биноан бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Хоразм вилояти судининг аъзоси вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

ХДП: СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

⊙ Эсимда. Карвонсарой мавзесида жойлашган мактаб биносида сайловолди кураши ниҳоятда кучайган кезлар эди. Ўзбекистон Республикаси халқ ноиблигига даъвогарлар сафида саккиз киши бор эди. Кўп йиллардан бери анча муаммолари ҳал бўлмаган эл ўз дардига малҳам изларди. Республика даражасида халқ хизматкори бўлишга бел боғлаганлар бирма-бир халқ олдига чиқиб, ўзларининг режаларини айтиб беришди. Шу вақт кутилмаган воқеа содир бўлди. Даъвогарлардан бири — Ховос темир йўл бекатининг ходими, маҳаллада обрў-эътибори зўр кишилардан бири Усканбой ака Норматов халқ ноиблиги номзодлигига даъвогарликдан бошқа даъвогар — Мирзачўл қурилиш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Игор Адольфович Гамбург фойдасига воз кечди. Халқ Усканбай аканинг юрагидан отилиб чиққан илтимосни маъқуллаб кутиб олди.

ОБРЎ ОЛИШ ОСОНМАС

ОРАДАН икки ярим йил ўтди. Карвонсарой мавзесида ана шу қисқа вақт ичида рўй берган ўзгаришлар ҳозир кишини ҳайратда қолдиради. Шу давр ичида бу ерда болалар боғчаси, чойхона, стадион, иккита маҳалла қўмитаси учун ҳашаматли бинолар, поликлиника, мачит, бешта автобус бекати қурилди. Аҳоли учун яна қурилажак ҳаммом, маданият уйи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Салкам 3 километрлик йўл асфальтланди. Қабристон атрофи ўралиб ободонлаштирилди. Ўзларига пишиқ ғиштдан уй қуриб олишлари учун 60 та оилага яқиндан ёрдам берилди. Тез орада яна бир мактаб, болалар боғчаси қуриш учун жой ажратилди.

Ховос посёлкаси ҳудудида 624 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб, поликлиника , тез ёрдам бекати, автобуслар учун 6 та бекат, болалар поликлиникаси, аптека, масжид ва ўнлаб коттежлар қурилмоқда. Халқимизнинг йиллаб орзу қилиб келган иши ҳам амалга ошди — Ховос посёлкасидан чиқадиган чиқинди сувлар Янгиер шаҳрида қурилган тозалагич қурилмаларига уланди. Энди посёлкамизда қурилиш ишларини бемалол авж олдираверишмумкин. Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби сайлов округида ташкил топган ХДП ҳудудий-тармоқ кенгашининг вужудга келгани ҳам катта воқеа бўлди. Ҳозир Ховос ҳудудий-тармоқ кенгаши ўзида 18 та ишлаб чиқариш ва иккита ҳудудий бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган. Партия аъзоларининг сони салкам 400 кишини ташкил этади.

Биз ҳозир ХДП Марказий Кенгаши IV пленумида белгиланган вазифаларни изчиллик билан бажараяпмиз. Бу ишда барча партия аъзолари баҳоли-қудрат иштирок этяптилар. Мен пленумда бўлган бир учрашув ҳақида Ховосдаги меҳнат жамоаларида бўлган мулоқотларда қувонч билан сўзлаб бергандим. Мирзачўлни ўзлаштириш шунқорларидан бири, Ховос посёлкасига ниҳоятда меҳри тушган ажойиб инсон Тўхтамиш Боймиров ўшанда менга «Саидмурод, мен Ховос халқи олдидаги қарзимни унутганим йўқ. Сира ҳам иккиланмай, аҳолига етказишингиз мумкин. Бу йил Ховосда 300 нафар хотин-қизлар ишлайдиган тикувчилик фабрикаси қурилишини бошлаб юборамиз», деганди.

Дарҳақиқат бу ажойиб хушхабар бўлди. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги оғир шароитларида бу корхона халқимиз дардига албатта малҳам бўлади. Мен ўрни келганида шуни ҳам айтишни истардимки, юқорида санаб ўтган ва бунёд этилаётган барча қурилишлар Тўхтамиш Боймиров раҳбарлигида ишлаётган республика халқ ноиби И. Гамбург етакчилигида амалга ошди. Табиийки, Ховос ҳудудий-тармоқ партия кенгаши бу ишларга фаол аралашди. Халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга оид барча юмушларда ХДП аъзолари ва партия ташкилотлари ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ана шундай партия аъзоларидан бири Зулқайнар Самадовдир.

З. Самадов ХДП Ховос ҳудудий-тармоқ кенгашини ташкил этган партия ходимларидан бири. У Янгиер шаҳар кенгашининг биринчи котиби. Бутун фаолиятини, вақти ва кучини партия ишига сарфламоқда. Ҳозирги қийин шароитда у айниқса партия ходимлари тўғрисида яқиндан ғамхўрлик кўрсатяпти. ХДП Сирдарё вилояти кенгаши ташаббуси билан бошланган «Меҳр-муруввват» иши айниқса Ховосда яхши самара берди. 61 ташкилот «Меҳр-муруввват» фондига 84,3 минг сўм миқдорида маблағ ўтказди. Бундан ташқари ташкилотларнинг ўзида 34 минг сўм жамғарма ташкил этилди. Ховос ҳудудий-тармоқ кенгаши яқинда қилган ҳисоб-китобларга қараганда ўтган даврда етим болаларнинг ҳар бирига 100 сўмдан, 14 нафар афғон уруши қатнашчилари оилаларига 300 сўмдан, сил касаллиги билан оғриган 15 нафар кишига 200 сўмдан, 132 та кам даромадли оилаларга ҳам бир неча юз сўмдан ёрдам пули берилган. Икки нафар ногирон кишига 8 минг сўмга ногиронлик аравачалари сотиб олиб берилган. Бундай ёрдам уруш ногиронларига ҳам, кўзи ожизларга ҳам кўрсатилган. Кам даромадли оилаларни бепул боқиш учун Ховос темир йўл таъминотига 10 минг сўм пул ўтказилди.

Бу хилдаги меҳр-шафқат ишларини амалга оширишда ХДП ҳудудий-тармоқ кенгашига фаоллар айниқса яқиндан ёрдам беришяпти. ХДП аъзоларидан корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари И. Колесниченко, К. Қаршиев, Қ. Холиқбердиев, М. Сувонқулов, В. Бадалин ва бошқалар яқиндан кўмаклашмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари Д. Камолов, И. Ниёзахметов, Э. Тошбоев, В. Вовилин партиянинг мақсад ва режаларини, айниқса у олиб бораётган ишларни халққа кенг тушунтирмоқдалар.

Ҳудудий партия ташкилоти яқинда маҳалла қўмиталари қошида учта оқсоқоллар кенгашини тузди. Уларга эл орасида обрў-эътиборга эга бўлган кишилар — ХДП Ховос ҳудудий-тармоқ кенгашининг котиби муовини Усмон Маҳкамов, электр станцияси партия ташкилоти котиби муовини Й. Муқумов, маҳаллий шоир Т. Абдуқундузовлар сайландилар. Ушбу кенгаш партия белгилаган вазифаларни амалга оширишда фаол иш олиб боради.

Посёлка Кенгаши халқ ноибларининг 60 фоиз қисми ХДП аъзоларидир. Яқинда бўлиб ўтган ҳудудий тармоқ кенгаши мажлисида ХДП аъзоси, Ховос темир йўл шифохонасининг бош шифокори, халқ ноиби Р. Шокиров Ховос халқ ноиблари посёлка Кенгаши сессиясида халқ депутатлари гуруҳи раислигига тавсия этилди.

Михаил Богдасаров 60 ёшдан ошди. Тақдир тақозоси билан у 1954 йилда Ховосга кўчиб келди. Ёшлигидан паровоз ҳайдовчиси ёрдамчиси бўлиб ишлаган М. Богдасаров бошига кулфат тушди. Кунларнинг бирида кўзига чўғ тегиб, ногирон бўлиб қолди. Унинг бахтига турмуш ўртоғи Алефтина Негрова бор экан. У эрини авайлаб даволаб, ҳаётга қайтарди. А. Ф. Негрова кейинчалик темир йўл касалхонасида бош шифокор вазифасида ишлай бошлади. Ҳозир у нафақада. Михаил Багдасаров эса 20 нафардан кўпроқ кўзи ожизларни бирлаштириб цех очди. Улар гилам тўқиш билан шуғулланмоқдалар. Яқинда М. Богдасаров ҳудудий партия ташкилотига келиб ўзини ХДП аъзолигига қабул қилишни сўради. Гувоҳликка ХДП Янгиер шаҳар кенгашининг сиёсий клуби раиси Александр Жиберин ўтди.

— Мен Халқ демократик партиясининг ҳақиқий халқпарвар партия эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим, — деди М. Богдасаров партия йиғилишида. — У халқимиз келажагини ўйлайди, ўзининг бутун фаолиятини элнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга, уни ҳозирги қийин кунлардан эсон-омон олиб чиқишга йўналтирмоқда. Мана шу сабабли мен ХДПга аъзо бўлиб киришга қарор қилдим.

Ховос ҳудудий-тармоқ партия ташкилоти деярли ҳар кун, ҳар ҳафтада тақдирини партия тақдири билан боғлашга қарор қилган кишиларни ўз сафига қабул қилмоқда. Бу ҳам бўлса одамларнинг Халқ демократик партиясига эътиқоди ортаётганлигидан, ХДПнинг халқ орасида тобора чуқурроқ илдиз отиб бораётганлигидан далолатдир.

Мен юқорида ҳудудий тармоқ партия ташкилотининг қисқа вақт ичида амалга оширган ишларидан айримлари тўғрисидагина ҳикоя қилдим. Унинг фаолиятида бундай янгиликлар, амалга оширилаётган самарали ишлар кўпдир.

С. КАРИМОВ,
ХДП Ховос ҳудудий-тармоқ кенгашининг котиби, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси.

ҲАМИША МУЛОҚОТДА

ХДП Бешариқ район кенгаши 2400 дан ортиқ кишини ўз сафида бирлаштирган. Уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Партия аъзоларининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. ХДП район кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ўз фаолиятини одамлар орасига кўчирган. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда мунтазам иш олиб бормоқда.

— Бизда ҳатто «Партия ходимлари халқ орасида» деган ўн кишилик гуруҳ ҳам тузилган,—дейди район кенгаши биринчи котиби З. Холматова. — Унга аппарат ходимлари, фахрийлар, район ёшлар қўмитаси аъзолари кирган. Улар бевосита ферма, бригада, корхона ва ташкилотларда бўлиб кишилар билан суҳбатлар ўтказмоқда. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиб, партия йиғилишлари ва кенгаш ижроия бюроси мажлисларига киритмоқдалар. Дастлабки мулоқотлар «Ўзбекистон» ва «Рапқон» жамоа хўжаликларида бўлиб ўтди. ХДП район Кенгаши нима ишлар қилаётганлигини одамларнинг ўзлари кўришди. Бундай учрашувлар сабабли ана шу хўжаликлардан 50 дан ортиқ киши партия сафига қабул қилишни сўраб ариза берди.

Рапқон қишлоғида жойлашган И. Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикаси филнали ишчиларидан ўн нафар аёллар ҳам партия сафига ўтиш истагини билдиришди. ХДП кенгаши гуруҳи корхонада иш шароитини ўрганиш жараёнида бир қатор муаммолар борлигини аниқлаб, уларни ҳал этиш учун ёрдам берди. Жумладан, ошхона, кийим ечадиган жой ташкил этилянти. Бундай самарали учрашувлар, суҳбатлар изчил давом этмоқда.

Ушбу суратда ХДП район кенгаши биринчи котиби З. Холматова ва Фарғона вилоят кенгаши котиби Г. Маъруповаинг Бешариқ район халқ маорифи бўлими мудири Н. Маҳсумов, район рўзномаси ходими О. Исоқов, район фахрийлар кенгаши раиси О. Қодиров билан суҳбатлашаётган пайт акс эттирилган.

Т. МАҲКАМОВ сурати.

КЎЧМА БЮРО МАЖЛИСИ

● ХДП Жиззах вилоят кенгаши ўз тадбирларини бевосита омма ўртасида ўтказишга алоҳида аҳамият бермоқда. Партия қуйи бўғинларидан ҳам шуни талаб қилаётир. Яқинда вилоят кенгаши ижроия бюросининг Пахтакор шаҳрида ўтказилган кўчма кенгайтирилган мажлиси бунга яққол мисол бўла олади.

«Янгича иқтисодий муносабатларга ўтиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий муҳофазалашга қаратилган фармонларини бажариш бўйича Пахтакор район партия кенгашининг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Кенг оммани қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар. Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнаткашларга кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш борасидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари ва партия фаолларининг вазифалари кўрсатилган тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, кўчма мажлисда «Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Жиззах вилоят қўмитасининг ҳамкорлик шартномаси тўғрисида»ги масала ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРМОҚ СЕМИНАРЛАРИ

● Урганч шаҳри, Боғот, Шовот, Қўшкўпир, Хива ва Урганч районларида ХДП Дастури ва Низомини ўрганиш бўйича тарғиботчилар тўгаракларининг тармоқ семинарлари бўлиб ўтди.

ХДП шаҳар ва район кенгашлари биринчи котиблари «ХДП Дастури ва Низоми — партия ҳужжатларининг асосидир» деган мавзуда маъруза қилдилар. Тошкент Сиёсатшунослик ва бошқарув олийгоҳи профессори, техника фанлари доктори З. М. Солихов «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикани ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг хусусиятлари тўғрисида» деган мавзуда сўзга чиқди.

Семинарларнинг қатнашчилари шунингдек, парламент услубида ишлаш шароитида ХДП фаолияти, унинг бошқа партия ва жамоат ҳаракатлари билан ўзаро муносабати тўғрисида ҳам маърузалар тингладилар. Шаҳар ва район ҳокимиятларининг вакиллари семинар иштирокчиларига ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда етилган муаммоларни ҳал этиш йўллари ҳақида ахборот бердилар.

Тармоқ семинарларида ХДП вилоят кенгаши котиблари қатнашдилар.

Т. ЕНГУЛАТОВ,
ХДП Хоразм вилоят кенгашининг ахборот-ташвиқот ишлари сектори мудири.

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

МАМНУНИЯТ

● Россия Президенти Борис Ельцин Финляндия пойтахтига келди.

У самолёт пиллапояси ёнида журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб, Мюнхенда «Еттилик» мамлакатларининг раҳбарлари билан ўтказган суҳбатлари якунидан мамнун эканини айтди. «Суҳбат натижалари айни мен кутгандек бўлди», — деди у.

БЎШЛИҚНИ ТЎЛДИРАДИ

● Собиқ СССР ичидаги хавфсизлик сиёсати соҳасида бўшлиқ вужудга келди. МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари барпо этилиши бу хатарли бўшлиқни тўлдириши мумкин.

Австрия Социал-демократик партиясининг халқаро масалалар билан шуғулланувчи котиби Карл Шрамек шу гапни айтди. Шу билан бирга, деб таъкидлади у, янги қуролли тузилмаларнинг фаолияти устидан қатъий демократик назорат амалга оширилишининг кафолотларини юзага келтириш зарур.

Маълумки, МДҲ мамлакатлари раҳбарларининг олий даражада яқинда Москвада ўтказилган кенгашида Ўзбекистон Президенти И. Каримов шу масалани муҳокама қилишни қатъий туриб талаб қилган ва унинг таклифи қабул этилган эди.

АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТАРИЛДИ

● Қозоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлисида айрим вилоятлар ва шаҳарларнинг тарихий номини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Жумладан, бундан буён Уральск вилояти — Ғарбий Қозоғистон, Целиноград вилояти — Оқмол, Чимкент вилояти Жанубий Қозоғистон вилояти деб юритилади.

Целиноград шаҳрининг номи Оқмол деб ўзгартирилди.

ПИЧА ЕНГИЛЛИК

● Ниҳоят, Арманистон яна табиий газга эга бўла бошлади.

Шимолий Осетия Грузияни «зангори олов» билан таъминлаш соҳасидаги қамални бекор қилди. Ундан энг аввало, Арманистон жуда кўп азият чеккан эди.

Ҳозир ҳам газ бутун эҳтиёжнинг атиги 15 фоизини қондириш даражасидагина келмоқда. У ҳам биринчи навбатда энергетиклар талабини қондиришга сарфланади. Аҳолининг эса яна кутиб туришига тўғри келади.

РАДДИЯ

● Яқинда Россия ва бир қатор хорижий давлатларнинг матбуоти саҳифаларида собиқ КПСС Марказий Комитети ва СССР Давлат хавфсизлик комитети архивларидаги ҳужжатларга асосланган деган тамға остида бир қатор материаллар босилган эди.

Россия Президенти ҳузуридаги ҳужжатхоналар бўйича махсус комиссия шу муносабат билан баёнот эълон қилди. Баёнотда бу материалларга ўша ҳужжатларнинг асл моҳиятини жўрттага бузиб кўрсатувчи сохта, қалбаки мақолалар, деб баҳо берилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларнинг материаллари асосида тайёрланди).

• ЎҚУВ ЙИЛИ: ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ •

КЕЛГУСИГА ИШОНЧ БИЛАН

⊙ Шаҳар халқ таълими мингдан зиёд ўқув муассасалари — мактаблар, ҳунартехника билим юртлари, интернат, ўқув ишлаб чиқариш бирлашмаси масканларини ўз ичига олган. Биз узоқ вақт иқтидорли болалар ривожини тўхтатиб, ўрта ҳол ўқувчига ёрдам бермай, болаларни ягона дастур асосида ўқитиб келдик. Ўрта ҳол ўқувчи таълим-тарбия андозаси бўлиб қолган эди .Ўқув режа ва дастурлари ҳаддан ташқари кенгайтирилиб, ҳафталик дарслар 370 соатни ташкил қилди. Ўқув йиллари давомида ўқувчи 25 фанни ўзлаштириши зарур эди. Афсус бу ҳол ўсмирларда ўқишга салбий муносабатни яратди.

БУГУН педагогика амалиётида кўп нарса ўзгаряпти. Мактаб ўз фаолиятини иқтидорли болаларни қидириб топишга, ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратган. Бир неча йилдирки, шаҳар мактабларида турли янгиликлар амалга оширилянти. Айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактаблар тармоғи кенгайтирилмоқда. Мактаб-гимназиялар, лицей, коллежлар, шу билан бирга гимназия синфлари очилди. Амалда ҳар бир педагогик жамоа ўз моддий базасини, мутахассислар таркиби, ўқувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда ўз таълим шаклини синаб кўряпти.

Янги турдаги ўқув муассасаларининг оддий оммавий мактаблардан фарқи нимада? Аввало, бу ерда ўқишни ташкил қилиш, таълим беришнинг муайян йўналиши мавжуд. Бу эса, таълимнинг бошланғич поғонасидаёқ ўқувчини касбга йўналтиришни амалга оширишга имкон берянти. Биз ўқувчи, унинг ота-онасига таълим мазмуни ва шаклини танлашга шароит яратяпмиз. Бугунги кунда Тошкент шаҳри мактабларининг 23 таси гимназия ва лицей синфларига, 156 таси фанларни чуқур ўргатувчи синфларга эга.

Шаҳар халқ таълими бош бошқармаси янги турдаги мактабларни ривожлантиришни, ҳар бир ўсмирнинг ўз ижодий имконияти ва қобилиятини кўрсатишини қатъий амалга оширмоқда. Бугунги кундаёқ илк ижобий силжишлар бор. 50-, 60-, 42-, 103-мактаб-гимназиялар қисқа вақт ичида ўзларининг афзаллигини тўла тасдиқлади. Мазкур мактабларда ўтказилаётган танловда бир ўқувчи жойига ўндан ортиқ даъвогар тўғри келяпти. Ўқув дастурларига маърифат маданияти тарихи, жамоат руҳшунослиги, этика каби янги фанлар, чет тилларини чуқур ўргаиш, математика, мусиқа ва бадиий конструкторликни табақали ўргатиш киритилган. Натижада ўтган ўқув йилида 42-мактаб-гимназиянинг 29 битирувчиси педагогика олий ўқув юртларига кирдилар.

Лицей синфлари иш тажрибаси диққатга лойиқ. Дастлабки лицей Мирзо Улуғбек районининг 142-мактабида юқори синфлар учун ташкил қилинган эди. Бугун лицей синфлари 110, 273, 90, 256, 76, 162- ва бошқа мактабларда муваффақиятли ишламоқда. Сирғали районидаги 300-мактаб қошида илк бор физика-математика лицейи очилди. У пухта билим берибгина қолмай, шахсни ҳар томонлама камол топтиришни ҳам таъминлайди. Дастурида немис, инглиз, араб тилларини ўрганиш, дин, жаҳон ва миллий маданият тарихидан, фалсафадан таълим бериш назарда тутилган.

Халқ таълими бозор иқтисодиёти шароити билан ҳисоблашмасдан иложи йўқ. Мактаблар таълим бозорига ўз таклифларини ишлаб чиқмоқдалар. 160-мактаб қошида шаҳар ёш ишбилармонлари ва менеджерлар тайёрлаш синфлари ишлаб турибди. Бу мактабни битирувчилари иқтисоддан, маркетингдан ва менежментдан чуқур билимларга эга бўлиб, бозор шароитида фаол ҳаракат қила оладилар. Келгусида бу ерда биринчи тижорат лицейи ташкил қилинади.

Миллий мактабни ривожлантириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Шайхонтаҳур районидаги 254-мактаб педагогик жамоаси миллий анъаналардан, маданиятдан, ўлкашуносликдан чуқур билим берувчи «Маданий меросга ихлос» дастурини амалга татбиқ қилмоқда. Мирзо Улуғбек районидаги 99-мактаб эса миллий маданиятни ривожлантириш марказига айланди.

Ўқув йили тугаган бўлишига қарамай, педагогик жамоалар махсус мактаб ва синфлар очиш борасида тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Жумладан, 182-мактаб махсус мусиқа таълими берувчи лицейга айланади. 246-мактабни уч поғонада ўқитиш тажрибаси кенгайтирилади. Спорт йўналишли 208-мактаб асосида электрон-ҳисоблаш машиналари операторлари ва дастурчилари, котиб референтлар, кичик корхона ҳисобчилари тайёрловчи касб синфлари очилмоқда. Қатор мактабларнинг беш кунлик иш режасига ўтганлигини ота-оналар қўллаб-қувватлашмоқда. Икки дам олиш куни ўқувчининг ўз кучини тиклашига, оила аъзоларининг маънавий яқинлашишига яхши имконият яратиб беради.

Ўқув ишлаб чиқариш бирлашмалари имкониятидан фойдаланишга янгича ёндашяпмиз. Бу борада Акмал Икромов район 1-ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибаси диққатга сазовор. 9-синфни битирувчилар тўлиқсиз ўрта маълумот билан бир қаторда тикувчи-моторист ва дизайн соҳасидаги рассом мутахассислигини олишади. Хоҳловчиларга танлов асосида ўқишни давом эттириш имконияти таклиф қилинади.

1 сентябрдан бошлаб Мирзо Улуғбек райони тажриба ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмасида замонавий ишлаб чиқариш технологиясига, автоишга, электроникага ўргатувчи техник коллеж ўз ишини бошлайди. Собир Раҳимов район ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида эса шарқ тилларини ўрганиш борасида лицей очиляпти.

Кечки мактаблар иши тузилиши ўзгаряпти. Кейинги йилларда бу мактаблар негизида катталарга узлуксиз таълим бериш марказлари ташкил қилинган. Ким ўз вақтида ўрта мактабни ҳамкорликдаги иш битирувчини кучини тўғри баҳолаш, бўлғуси касбини танлашга ундаяпти. Ўз навбатида олийгоҳ анча тайёргарлик кўрган абитуриентларни қабул қиляпти.

Ҳунар-техника билим юртлари педагогик жамоалари таълим беришнинг янги шаклларини ривожлантиришмоқда. Билим юрти ва мактаб ҳамкорлиги борасида тажриба бошланди. Собир Раҳимов районининг 16, 234, 242-мактабларини, Юнусобод районининг 257, 260, 273-мактабларини ва 25-ҳунар-техника билим юртини ўз таркибига олган тажриба-педагогика бирлашмаси тузилди. Унинг дастурига мувофиқ мактаблар-да техник синфлар очилиб, уларга ҳоҳиш билдирган 9-синф битирувчилари қабул қилинди. Уларга ўз мактабларида ўрта маълумот, ҳунар-техника билим юртида эса касб олиш имкони яратилди. Ўқиш икки йиллик дастур асосида олиб борилмоқда. Тажриба Тошкент Техника дорилфунунида қизиқиш уйғотди. Ҳозир тажриба-педагогика бирлашмаси Техника дорилфунуни билан ҳунар таълимининг техникавий коллеж миқёсидаги дастурини ишлаб чиқмоқда.

Ишимизнинг янги қирраларидан бири мустаҳкам халқаро муносабатларни ўрнатиш бўлиб қолмоқда. Туркия ҳамда Ўзбекистон конституцияларига таянган ҳолда таълим борасида ҳамкорлик шартномаси тузилди. Туркия ҳар йили Ўзбекистонлик 300—400 ўқувчига таълим беришни, ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ўз зиммасига олди. Сентябрь ойида эса Истамбул шаҳридан икки ўқитувчи ва ўн ўқувчи уч ҳафта мобайнида бизда ўқишади. Худди шундай делегация октябрь ойида Истамбулга ташриф буюради. Янги ўқув йилидан бошлаб шаҳримизда Туркия миллий таълим вазирлиги қатнашувида турк тили ва адабиётини чуқур ўргатувчи лицей очилади.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар маорифчиларида янги ғоялар, ишга ижобий ёндашишлар талайгина. Аммо таълим-тарбия тизимини қайта қуриш муваффақияти фақат педагогик жамоаларга боғлиқ эмас. Мактабларга янги дастурлар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, ўқитувчи учун услуб адабиётлари зарур. Таълим тизимига муайян моддий ёрдам керак. Нархнавонинг ошиши, моддий ресурслар танқислиги, иқтисодий аҳволнинг кескин оғирлашуви муассасаларимиз аҳволини қийинлаштиряпти. Оталиқ ташкилотлар ёрдамига таяниш қийин бўлиб қолди, бюджет таъминоти эҳтиёжимизни қондирмаяпти. Халқ таълими муассасаларини таъмирлаш ишларига ажратилган маблағ жуда оз. Хайрия ёрдамисиз биз қийинчиликларни енга олмаймиз. Давлат ширкат корхоналари фуқароларининг мактабларга ёрдам кўрсатишга бўлган интилишини инобатга олиб, шаҳар ҳокими халқ таълими бош бошқармасининг «Келажагимиз мактабда» жамоа жамғармани тузиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

Яна бир довондан ўтиб, маорифчиларимиз келгуси кунга ишонч билан қарамоқдалар, ҳар бир ёш инсон ўз имкониятини тўлиқ амалга ошира оладиган янги мактаб вужудга келишига ишонадилар.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи.

●

(Ушбу мақола қалам ҳақини рўзнома жамғармаси ҳисобига ўтказишингизни сўрайман).

• МУТАХАССИС ШАРҲИ

Ҳурматли муҳаррир!

Яқинда армия хизматини тугатиб, уйга — ота-онам ҳузурига қайтдим. Айтиш керакки, ўтган икки йил мобайнида юртимизда анча хайрли ўзгаришлар юз бериб-ди. Бироқ кўнглимга бироз хиралиқ солган нарса — шаҳар жамоат транспортида йўлкира ҳақи ошиб 1 сўмга етгани. Пул топиш қийин бўлган ҳозирги шароитда транспорт ҳақи кўтарилишининг сабаблари нимада экан. Шу ҳақда газетангизда тушунтириш берилса...

Салом билан

Аваз ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

БОЗОР ТАҚОЗОСИ БИЛАН

АВВАЛО шуни таъкидлаш лозим, жумҳурият халқ хўжалиги барча тармоқлари сингари автомобиль транспорти соҳасида ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг қийин палласи бошдан кечириляпти. Муайян тайёргарлик ишлари олиб борилганлигига қарамай бозор иқтисодиётига ўтиш тармоқ автосаройлари, автоколонналари ёки корхоналарининг хўжалик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Тармоқда ечимини кутаётган муаммолар кўпайиб бормоқда.

Собиқ Иттифоқнинг тугатилиши ва охир-оқибатда илгари таркиб топган хўжалик алоқаларининг узилиши туфайли жумҳурият автокорхоналарини транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча чигаллашди. Бунинг устига транспорт воситалари, жумладан, автобус ишлаб чиқарувчи заводлар маҳсулот нархларини бир неча ўн ва ҳатто 100 бараварга ошириб юборишди.

Шу ўринда мисоллар келтириб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман. Масалан, 1990 йилда ЛАЗ—695Н маркали автобусларни 10 минг сўмдан харид қилган бўлсак, 1992 йилда бу автобусларнинг ҳар бир донасини 995 минг сўмдан сотиб олишга мажбур бўлдик. Газ—24 енгил автомашиналари илгари 3600—4100 сўм эди. Эндиликда эса 350 минг сўмга чиқиб кетди. Чет эллардан мол айирбошлаш усулида сотиб олинаётган автобуслар нархи 52—91 минг Америка долларига тўғри келмоқда.

Бензин ва бошқа дизель ёнилғиси нархлари чидаб бўлмас даражада ошди. Бундан икки йил аввал А—76 бензиннинг ҳар тоннаси 196 сўмга харид қилинган бўлса, ҳозир унга 7,5—13 минг сўмгача, 1 тонна мойлаш маҳсулотлари учун эса 15—16 минг сўмгача тўланяпти.

Нархлар ошиши эҳтиёт қисмлар, шиналарга ҳам тегишлидир. Бугунга келиб нарх-навонинг кескин ошиб кетиши натижасида шаҳар йўналишларида автобусларни мунтазам ишлатиб, 1 сўм даромад олиш учун тармоқ бўйича шу йилнинг биринчи чорагида 2 сўм 52 тийин сарфланди, бошқача айтганда 108 минг сўм зарар кўрилди. Умуман, биринчи чорак мобайнида йўловчилар ташиш автотранспорт воситаларидан келган зарар 192 минг сўмни ташкил этди.

Очиғини айтганда, бугунги кунда йўловчилар ташийдиган барча автокорхоналар банклардан кўп миқдорда қарздор бўлиб қолишди. Янги автобус ва енгил таксилар ҳам ҳозирги пайтда банк кредит ва фоизли қарзлар эвазига сотиб олинмоқда. Айрим автокорхоналаримизда ҳайдовчиларга ойлик маошлар банк кредити ҳисобидан тўланяпти.

Дарҳақиқат, газетхон А. Шермуҳамедов куйиниб таъкидлаганидек, шундай оғир бир шароитда бозор иқтисодиёти тақозоси билан жамоат транспортидан, жумладан автобуслардан фойдаланиш йўлкира ҳақларини оширишга мажбур бўляпмиз. Йўлкира баҳоси 1 сўм бўлгани билан барибир харажатлар тўлиқ қопланади, деб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, жумҳурият ҳукумати транспортчиларга ёрдам беришга қарор қилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан йилига яна 1,5 миллиард сўм (қайтариб берилмайдиган маблағ — дотация) ажратиладиган бўлди.

Албатта, оғир аҳволдан чиқиш учун транспортчиларнинг ўзлари ҳам қўл қовуштириб турганлари йўқ. Автомобиль транспорти вазирлигига қарашли автосарой ва корхоналарда эҳтиёт қисмлар, зарур асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ёнилғи ва эҳтиёт қисмларни тежаб-тергаб ишлатиш чора-тадбирлари кўриляпти. Бундан ташқари, хориждан мол айрибошлаш усули билан замонавий транспорт воситаларини харид қилиш имкониятлари излаб топилмоқда. Тўғри, иқтисодий танглик шароитида йўловчига ҳам, транспортчига ҳам бирдек оғирлик тушяпти. Бинобарин, қийинчиликларни бартараф этиш йўлида барчамиз биргаликда ҳамжиҳат иш олиб боришимиз керак.

А. АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги йўловчилар ташиш ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи.

• ЯЙЛОВ ТАШВИШЛАРИ •

БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

● Конимех районидаги «Сарибел» давлат хўжалиги чорвадорлари бу йил йигирма бир минг дона қоракўл тери, 127 тонна жун, 19213 та қўзи, 700 тонна гўшт, ўн икки тонна сут ишлаб чиқариб, жами моллар бош сонини 80 мингга етказишга қарор қилишган. Ана шу эзгу ният йўлида меҳнат қилаётган янгиғазғонлик қўйчивонлар бу йил тармоқдан камида 15 миллион соф фойда кўришни мўлжаллашяпти. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 3 миллион атрофида бўлиб, рентабеллик даражаси 60 фоизни ташкил этган эди. Айни кунларда сарибелликлар дағал ҳашак жамғариш, янги отарлар яратиш, эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

ҚОРАКЎЛЧИЛАР сулоласидан эмасми, Эргаш Бўронбоев хўжаликнинг 1-фермасига қарийб ўн йилдан буён мудирлик қиляпти. Агар унинг Дунгалак фермасига ҳам бош-қош бўлганини ҳисобга олсак, мудир сифатида фаолият кўрсатаётганига йигирма йилдан ошди. Шу давр ичида қўйчиликни ривожлантиришга, зотдор, асил Бухоро қоракўл қўйларини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, йил ўн икки ой яйлов иссиғи ва совуғини бошидан кечириб келаётган, Қизилқумни қўй-қўзига тўлдираётган чўпоннинг туриш-турмушини яхшилашга, уларнинг оғирини енгил қилишга астойдил ҳаракат қилди. Шундан бўлса керак, у раҳбар бўлган ферма нафақат хўжаликда, балки райондаги энг илғор фермалар қаторига қўшилди.

Айни пайтда мазкур фермада 15 мингдан ортиқ майда мол бўлиб, унинг 10 минг 755 таси сермаҳсул совлиқлардир. Ферма бўйича кўкламги тўлда ҳар юз совлиқдан 108 тадан қўзи олинди. Аҳмад Тўқмуратов, Садирқул Айимбетов, Сулаймон Узоқов, Серик Тинибоев сингари қўйчивонлар отарларида эса 112—115 тага етказиб қўзи олинди. Шунингдек, жун қирқимида ҳам чорвадорлар пешқадамлик қилишди. Ўн беш мингдан ортиқ молнинг жуни атиги етти иш кунида қирқилди. Ҳар қўйдан ўртача 1,1 килограммга етказиб сифатли жун олинди.

Мустақиллик шарофати билан қўйчивонга қатор имтиёзлар берилди. Чорва маҳсулотлари харид нархи оширилганлиги айни муддао бўлди. Энди биз ёшларга ялиниб-ёлвориб чўпон бўл, яйловда қол, демаймиз. Ёшларнинг ўзлари бугун отар сўраб келишяпти...

Э. Бўронбоев ҳақ гапни айтди. Эндиликда чўпоннинг ҳам косаси оқарди. Илгари у ҳар бир терини 14—17 сўмдан сотган бўлса, бугунги кунда сифати ва салмоғи давлат талабига мос келган ҳар бир терини 600 сўмдан сотяпти. Ёки жунни оладиган бўлсак, ҳозир тоза тола тарзидаги ҳар килограмм қўй жуни 120 сўм. Яна бир катта қулайлик бу—яйловларнинг ўт-ўланга кўмилгани. Табиатнинг тантилигини қаранг-ки, сурункали давом этган қурғоқчилик мана тўқсонинчи йилларга келиб ниҳоясига етди.

— Кейинги ўн-ўн беш йил ичида баҳорнинг бунчалик серёғин келганини кўрмаган эдик, — дейди кекса қўйчивон, меҳнат фахрийси Эргашбой Тўхтамуротов. — Намгарчиликнинг зўридан аллақачон қуриб битган нўхатак, ўнғирбош, қарамисак, кийик ўти, ёввойи йўнғучка ҳамма жойни босиб кетди. Айниқса, чакмон ёйсанг, ҳас илинмайдиган, Омонтойқудуқ, Мавлонқудуқ, Танки, Сугир, Пирака мавзеларини ёппасига ўт-ўлан қоплади. Шунинг ўзи майда молга икки-уч йиллик озуқа. Ҳозирги кунда фермaнинг ҳам, хўжаликнинг ҳам моллари семизликдан қўйриқ ёраман, дейди. Ҳа, табиат берганига нима етсин!

— Кўкламда кўкка тўйган мол қишда касалликка чалинмайди, эгиз қўзи беради, — дейди 3-ферма бош чўпони, Халқ демократик партияси аъзоси Ерқобил Уйсенбоев. — Айниқса шувоққа, каррак ва изенга тўйган молнинг бадани тўла мой. Бу йил кўкламда кўкка тўйинмаган, бадани тўлишмаган бирор қўй-қўзи қолмади.

Ҳа, бу йил қўйчивоннинг ошиғи олчи, пичоғи мой устида. Ўт-ўланнинг кўплигидан ҳатто шу йилги тўқлиларнинг эрта баҳорда унум бериши кутиляпти. Айниқса, Ерқобил оғадек тадбиркор, тажрибакор бош чўпон бўлган отарларда бу йилги қўзининг ёшига етмай бўғоз бўлиши турган гап. Чунки отахон 55 йиллик умрининг роппа-роса қирқ йилини яйловга, чўпонликка бағишлаган. Шундан бўлса керак, совлиғи қисир қолганини эслай олмайди. Бунинг устига кўп йиллик тажрибага таяниб, у отаридаги 735 бош қўйнинг тўла зотли, наслдор бўлишига эришган. Шунинг эвазига жорий йил қўзилатиш даврида ҳар юз бош қўйдан 112 тадан унум олди. 580 бош эртанги, урғочи қўзиларни ўстиришга қолдирди. Қоракўл тери, жун тайёрлаш режаларини ошириб уддалади.

Шу кеча-кундузда Бароткудуқ шунқори Е. Уйсенбоев ўғли Берекбой ҳамда турмуш ўртоғи Айсингул билан отар молларини яйратиб боқмоқда. Боққанда ҳам яйловдан-яйловга кўчириб, табақалаштириб боқяпти. Чунки яйловдан-яйловга кўчириб боқилган мол тез семиради. Иккинчидан, мол тез-тез кўчирилса, яйлов топталмайди, ноёб ўтлар камаймайди. Ерқобил оғанинг яна бир тажрибаси бу — тунги боқувга алоҳида эътибор бераётганидир. Ҳозирги чиллада қўйларни кун бўйи иссиқда ҳансиратиб, терлатиб боқиш ярамайди. Иложи бўлса отарни тонгга яқин қоронғи ғира-ширада яйловга ёйган ёхуд номозгарликда яйратиб боққан маъқул. Ана ўшанда мол этига—эт қўшилади. Шунингдек, Е. Уйсенбоев ҳарорат кескин кўтарилган кунлари қўйларни тушликда суғормайди. Чошгоҳда ҳамда кечга яқин суғориб олади. Бунинг ҳам кони фойда. Чунки муздай қудуқ суви тушликда қўйни касаллантириши мумкин.

Ерқобил оға ҳозир қўйларни боқиш билан бир қаторда ўз оиласи билан табиий ўт-ўлан тўплаш, уни қуритиб қишлов жойига ташиб олиш билан машғул. У мавсумда юз тонна дағал хашак тўплашни режалаштирган. Е. Уйсенбоев билан мусобақадош бўлган Сарсенбой Атемов, Норбой Тойирбеков бош чўпон бўлган отарларда ҳам қишга мўл-кўл ем-хашак йиғилмоқда.

Қиш ғамини ёзда еган маъқул! Буни ғанимат дамларда ҳис этган янгиғазғонлик қоракўлчилар дағал хашак тўплаш икки ойлигини эълон қилишди ва мавжуд ишчи кучи ҳамда техника воситаларини ана шу хайрли ишга сафарбар этишди. Ҳозир хўжаликнинг Пахтакор, Пирака, Дунгалак, Янгиғазғон фермаларида юзлаб озуқакорлар бир тану бир жон бўлишиб, ўт-ўлан жамғаришяпти. Улар ихтиёрида саккизта трактор, еттита автомашина, ўнлаб ўрим техникалари мавжуд. Улар ёрдамида ҳар куни 350—400 тоннага етказиб шувоқ, янтоқ, каррак, қўнғир бош сингари яйлов ўтлари йиғиштириб олиняпти.

— Ёз ойларида камида беш минг тонна дағал хашак тўплаб, 57 та қўйли отарларга бўлиб беришимиз керак, — дейди давлат хўжалиги директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Ўрозбек Тўрамуратов. — Ҳозиргача 1,5 минг тонна озуқа жамғардик. Шунингдек, озуқа тўплаш учун Газли массивига ҳам дағал хашак тайёрлаш бригадаларини юбордик. Насиб бўлса, ишимиз ёмон бўлмайди. Бир йилда камида икки йилга етгулик озуқа тўплаб оламиз. Бироқ транспорт хизмати, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар нархининг осмондалиги ишнинг белига тепяпти. Ахир, Газли ёки Жиззах чўлларидан дағал хашак келтиришнинг ўзи бўлмайди-ку! Ана шу масалада чўл хўжаликларига амалий ёрдам керак.

Ҳозир нафақат Навоий вилоятидаги қўйчилик хўжаликлари, балки бутун Ўзбекистондаги чорвадор хўжаликлар транспорт хизматидан катта зиён кўрмоқда. Аниқроғи, кўрилган даромад кетаётган буромадни қопламаяпти. Агар аҳвол шу тахлидда давом этадиган бўлса, хўжаликлар иқтисодиёти инқирозга учрайверади.

Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар жиддий ўйлаб кўрсалар яхши бўларди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

● Бизга қолса, ушбу мақола сарлавҳасини «Излар» демоқчи эдик. Лекин турли мулоҳазаларга бордик. Негаки, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар авлодлар меҳнатига дахлдор бўлиб, улар орасида алоҳида фидойилар ҳам бор. Дарвоқе, ўз билими, маҳорати, умрини бирор ишга астойдил бағишлаган фидойилар оз эмас. Қолаверса, фидойилик андазаларининг ўзи йўқ.

Фидойилик — халқ манфаати йўлида қилинган астойдил меҳнат натижаси. У эл-юртга келтирилган наф-фойдаси билан ўлчаниши, баҳоланиши маъқул. Мисолми! Марҳамат...

ФИДОЙИЛИК

НАМАНГАН ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ — 25 ЁШДА

ЎНИНГ Тошкентга ишга келганига ҳам бир йил бўлибди-ю, яна нима қилсам, бирор янгилик топсам, дея ўйларди. Ўша кунлари марказкомга таклиф қилиб қолишди. Узун йўлакларда ҳар бир қадам товуши эшитилади. Тўрдаги эшикка ёрдамчи ҳамроҳлигида кириб борар экан, уни юзларидан нур ёғилиб турган, баланд бўйли Шароф Рашидович илиқ қарши олди. Рўпарадаги ўриндиққа таклиф этди, сўнг ҳол-аҳвол сўрагач:

— Яхши, демак ҳали болаларингиз ёш, онангиз кексайиб қолган эканлар-да, оналарни эъзозламоқ керак...

Шароф Рашидович бироз тин олди, сўнгра суҳбат мавзуини ўзгартирди:

— Куни кеча Наманганда юз берган ёнғиндан хабарингиз бордир. Марғилонда кўп йиллар ишлаб, корхона ишини йўлга қўйиб бердингиз, энди ўзингиз туғилган шаҳарнинг обрўсини тиклаш учун жасорат кўрсатасиз, деган умиддаман.

Тўрашхон Жўраевич тараддудланиб қолди. Ҳаяжонини билдирмасликка ҳаракат қилди. Бироз ўйлагач, жавоб қилди:

— Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан, Шароф ака. Комбинат янги... тикласа бўлади.

— Биз ишонамиз. Сизнинг қўлингиздан келади, биз ҳам қараб турмаймиз. Ёрдам берамиз. Сизга муваффақият, омад ёр бўлсин!..

Шароф Рашидович унинг қўлини қисиб хайрлашди.

Ана шу катта ишонч Тўрашхон Жўраевичга қанот бағишлади.

... У ишни кадрлар билан танишишдан бошлади. Демак, асосан Иваново, Чимкент, Душанбе, Пермь, Фарғонадан чақирилган меҳмонлар, маҳаллий кадрлар эса 25 — 30 фоизга ҳам бормайди.

Тўрашхон Жўраев ўйланиб қолди. Сўнгра:

— Турсунбой Абдуллаевич, астойдил бўлинг. Маҳаллий кадрлардан тайёрлаш керак. Ахир бу комбинат шу атрофда яшаётганлар ишлаши учун қурилган... — деди ва у бироз тин олгач қўшиб қўйди. — Оғалардан касб ўрганиб олишсин. Кейин шундай ишлашадики, ўзингиз ҳам хурсанд бўласиз.

— Рост айтасиз, — директор фикрига қўшилди кадрлар бўлими бошлиғи Т. Абдуллаев.

Шу мўлжалини эртасига 51-ҳунар-техника билим юрти, тўқимачилик техникуми, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Намангандаги таянч пункти раҳбарлари билан маслаҳатлашув кенгаши ўтказганда дадил ўртага ташлади.

— Тўғри ўйлабсиз, — Тўрашхон, — деди эскидан қадрдон доцент Ҳамидхон Солиев. — Институт ҳам, техникум ва билим юрти ҳам комбинатга иқтидорли ёшларни тарбиялаб беришга мослаштириб олиниши керак. Биз ҳамма жиҳатдан сизни қўллаб-қувватлаймиз.

Бошқаларнинг ҳам фикри шундай бўлди.

Эртасидан Тўрашхон Жўраевнинг иши цехларга кўчди. У олдин хом ашёни титиш, саваш, тараш цехларида бўлди. Ходимларнинг ҳар бири билан обдон танишди. Мирза Тошбоевнинг машинани такомиллаштириш ҳақидаги таклифларига қизиқиб қолди. Йигирув цехида Исроил Исмоилов билан Эргаш Деҳқоновнинг ишни илмий асосда ташкил этишлари кўнглини кўтарди.

— Хайрият, Марғилонда бирга ишлаган ёшлардан ҳам бор экан, уларга суянса бўлади, — деди ўзича, йигирув ишлаб чиқаришидан чиқар экан.

Тўқимачилик ишлаб чиқаришида чимкентлик Абдулла Маметов ва Мавлит Қурбонгалиевга рўбарў бўлди.

— Тўрашхон келди деб эшитиб, жуда қувондик. Қўрқма, ишлар яхши бўлиб кетади, қараб турмаймиз, — деди Абдулла ака.

Эски танишларнинг гапи Тўрашхоннинг кўнглига қувонч бағишлади. Цех бўйлаб юрар экан, ўттиз-ўттиз беш йилдан бери синашта бўлиб қолган тўқув дастгоҳларининг шовқини қулоғи остида қўшиқдек янгради. Дилбар Абдуллаева, Муҳаррам Саидбоева, Мелихон Абдуллаева, Анна Шентерьева... ўнлаб тўқувчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг дардини эшитди. Мулоҳаза қилди. Режаларини тўкиб солди. Эртанги кунга ишонтирди.

Цех, смена, бригадаларда бўлиб, корхона ишга тушган кундан бери меҳнат қилаётган азаматларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида эсда сақлаб қолди. Уларнинг ҳаёт тарзи, дам олиши, ўқиши ва яшаши билан қизиқди. Тўқимачилар шаҳарчасидаги камчиликларга барҳам беришни ҳам кўнглига тугиб қўйди.

— Тўқувчининг кўнгли тинч бўлса, ишида ҳам унум бўлади, ўйлади у. — Демак болалар боғчаларини кўпайтириш керак. Поликлиникани кенгайтириш, шифохона қурилишини тезлаштириш, мактаблар, кинотеатр, маданият саройи барпо этишни шу йилдан қолдирмаслик керак.

ЎША йиллар бугун хотирага айланган. 1972 йилда давлатга 8 миллион сўм зарар келтирган комбинат излана-излана уч йилда қад ростлади. 1975 йил биринчи марта 182 минг сўм фойда билан якунланди, одамлар биринчи марта 13-маош олдилар.

Ўша йилларда Тўрашхон Жўраев яна бир бор ҳаёт синовидан ўтди. Республикадаги бошқа корхоналар каби 1979 йили комбинат жамоаси ҳам уч сменали иш тартибига ўтиб ишлай бошлади. Ўзбек оилаларида уч сменали ишга мослашиш қийин кўчганини пайқаб қолди. Ишчи кучи етишмаслиги сезилди. Қўнимсизлик кучайиб кетди. Бунинг устига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар касодга учради. Деярли 10 миллион сўмлик маҳсулот омборда туриб қолди. Шунда тўқимачилик фабрикасида эски дастгоҳлар ўрнига янгиларини ўрнатиш фикри туғилди.

... Ярим тунда, учинчи смена ишлаётган бир пайтда биринчи ва иккинчи тўқув цехларида машина парки чўкди. Ишчилар ўрнини ташлаб ташқарига отилдилар. Машина парки бир метр чамаси чўкканди.

Ярим тунда директор аҳволни мутахассислар ҳамкорлигида кўрар экан, ўзича хулоса қилди:

— Мен буни анчадан бери кутардим, тупроқ зичлиги мустаҳкам эмас эди. Бу — қурувчиларнинг нуқсони. Ҳечқиси йўқ. Одамлар зиён кўрмадими, демак ҳаммаси яхши бўлади. Дастгоҳларни ташқарига олиб чиқинглар...

Эрталаб махсус бригада тузилди. Ишлаб чиқариш бошлиғи Икром Файзиев ўттиз беш нафар кадрлар билан иш бошлади. Ҳар бир машинанинг асоси бетонланди. Кейин дастгоҳлар жойига ўрнатилди. Бу иш қарийб юз кун давом этди, Тўрашхон Жўраев тонгни тунга улаб бригада аъзолари сафида ишлади. Чунки цехларда дастгоҳлар тўхтаган бўлсада, ҳар бирига режаланган газлама метрлари чегирилмаган эди. Кунлик режаларни бажариш оғир кечар, уста ёрдамчилари ва смена усталарининг 14-16 соатлаб ишлашларига тўғри келар, бутун корхона ўзига хос синовда тобланарди.

Қўшни цехларда эса янги техника ва илғор технология билан қайта қуролланиш — яшариш онлари бошланган эди. 1980 йилнинг иккинчи ярмидан ишлар маромга туша бошлади. Кейинги саккиз йилда титиш цехидан бошлаб пардозлаш участкасигача бўлган жойларда 75—80 фоиз техника жиҳозлари янгиланди. Унга бир неча миллион сўм маблағ сарфланди. Замонавий техника билан қуролланган корхонанинг қудрати йил сайин оша борди.

1990 йил — корхона учун энг яхши йил бўлди. 64,5 миллион метр газлама тайёрланди. 1991 йил якуни бўйича жамоа 96 миллион сўм соф фойда олди. 40 ўрнига 75 фоизгача ёки 11 миллион сўм тўқимачиларга мукофот тарзида тарқатилди. Ҳар қадамда, ҳар жабҳада ишчиларга ғамхўрлик кўрсатиш Тўрашхон Жўраевнинг одатига айланган десак муболаға бўлмас.

Маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш йўлидан борилди. Учқурғон, Уйчи, Норин районларида йигирув-тўқув фабрикалари кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Ҳаққулобод тикувчилик-трикотаж фабрикаси ишга тушди. Машад қишлоғида янги трикотаж фабрикаси қурилиши бошланди. Шаҳар саноатининг энг кекса корхонаси ҳисобланган 2-пахта тозалаш заводи комбинат филиали сифатида қайта жиҳозланди: трикотаж буюмлари — эркак ва аёллар учун уст-бошлар, болалар комплекти ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Комбинат кенгайиб, ишлаб чиқариш бирлашмасига айланди. Энди филиаллардаги ўнлаб муаммоларни ҳам ҳал этиш йўлларини изларни яратиш, транспорт хизматини тўла тартибга солиш, ойлик маошларни имкон қадар ошириш, бозор иқтисодиётининг қақшатгич ҳамлаларини енгишда тадбиркорлик санъатини ишга солиш ишбилармон раҳбарнинггина қўлидан келаяпти, десак муболаға бўлмас.

ОДАТДА раҳбарларнинг фаолияти жамоа аъзолари эришган ютуқларнинг салмоғи билан ўлчанади. Агар 1991 йил якунларига разм солсак, қуйидагича таҳлилни кўрамиз: 260 миллион 482 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Меҳнаткашларга салкам 1 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 473 миллион сўмликдан ортиб кетди. Буюртмачиларга 236 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди. Пахта толасидан 7, штапелдан 47 миллион метр газлама тайёрланди. Барнаул, Рязань, Могилёвдан хом ашё келиши тўхтаб қолгани машаққатлар келтириб чиқарди. Шунда ҳам ишчи-муҳандислар руҳи тушмади. 9531 ишчи соф фойдадан рағбатлантирилди.

Тадбиркор, омилкор ва талабчан мураббий Тўрашхон Жўраевичнинг олти юздан ортиқ шогирдлари бутун Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг етакчи кадрлари сафида. Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдурашид Убайдуллаев, вилоят касаба уюшмаси раиси Ҳабибулло Абдураҳимов, вилоят Халқ демократик партияси биринчи котиби Баҳодир Аҳадов, вилоят енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлими бошлиғи Боқижон Турдибоев, бирлашма бош муҳандиси Собиржон Дадахонов, йигирув-тўқув фабрикаси директори Эргашали Деҳқонов ва бошқалар. Улар кўпчилик, халқ хўжалигининг турли соҳаларини маҳорат билан бошқармоқдалар.

Бугун Чустдаги Ю. Гагарин номли давлат хўжалиги, Чортоқдаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» давлат хўжалиги тўқимачиларга 1 миллион сўм, транспорт учун 500 минг сўм, шифохонага 1 миллион сўм маблағ сарфлангани фикримизнинг далилидир.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, Жўраевлар оиласини Наманганда тўқимачилар сулоласи деб юритишади. Фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, келинлари турли корхоналарнинг зарбдор ишчилари, иқтидорли муҳандислардир. Уларнинг жами ўттиз нафардан зиёд. Ўғиллари Ғафуржон, Ботиржон, Ҳусанбой, Тоҳиржон, Улуғбеклар оталари каби яратувчи муҳандислар, қизи Раъногон эса — педагог.

Ҳаёт зарварақлари. Агар Тўрашхон Жўраевнинг меҳнат дафтарчасини варақлаб кўрсангиз, уч сатргина сўз ўқийсиз. У Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтини битириб, Марғилон ипак комбинатига ишга келган. Тўқувчи устанинг ёрдамчиси, смена устаси, цех бошлиғи, бош муҳандис ўринбосари, бош муҳандис, комбинат директори бўлиб 20 йил ишлади. Кейин Енгил саноат вазири ўринбосари вазифасида бир ярим йил. Сўнгра Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасига келганига ҳам роса 20 йил тўлди. 60 йиллик умрининг 41-42 йили тўқимачилик саноатининг ривожи билан боғланди.

Суратда: Тўрашхон Жўраев (ўртада) мутахассислар билан эртанги ишларни муҳокама қилмоқда.
П. АКБАРОВ олган сурат.

Тўғри, гап мукофот ва унвонларда ҳам эмас. Лекин Тўрашхон Жўраевнинг кўксини депутатлик нишони, «Ёшларнинг энг яхши мураббийси», «Халқ таълими аълочиси», «Соғлиқни сақлаш хизмати аълочиси» нишонлари, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган муҳандис» фахрий унвони, орден-медаллар безаб турган экан, бу —катта гап. Мукофотлар корхонада из қолдирди. Сирасини айтганда, унвону мукофотлар Тўрашхон акага ҳамиша масъулият юклаб келган, корхона фаолиятини яхшилашга рағбатлантириб турган.

Қолаверса, мукофот — эл эъзози. Буни яхши англаган бош директор касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда ишчи-хизматчиларга беминнат ғамхўрликни кун сайин оширмоқда. Ўтган йили корхонада 15—20 йилдан ишлаб, пенсияга кузатилганларнинг ҳар бирига, уйжой қурмоқчи бўлганларга пул ёрдами кўрсатилди. Шу мақсадларга 180 минг сўм, болалар боғчаларига 1,5 миллион сўм, овқатларни арзонроқ қилиш учун

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Ишчи шарафи» ҳафтаномаси муҳаррири, Наманган шаҳар Кенгаши депутати.

● Мана, бугун Тўрашхон Жўраев бошлиқ бирлашма жамоаси дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилганлигининг 25 йиллигини нишонламоқда. Бош директор қилган меҳнатлари зое кетмаганидан қувонса арзийди.

• Тарихнинг ўқилмаган саҳифаси •

ШАҲИДЛАР РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

● Ўзбекистонда яшаб, билим олган, ижод қилиб, янги уйғур адабиётининг пойдеворини қурган пешқадамларнинг бирортасини биласизми? Аминманки, «ҳа» дегувчи деярли топилмайди. Нега шундай? Ахир, уйғурларга энг яқин халқ—ўзбеклар-ку. Уйғурларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида Ўзбекистон, Тошкент бениҳоя катта роль ўйнаган. Йўқолиб кетган «уйғур» деган қадимий ном 1921 йилда Тошкентда тикланган. Ушанда уйғур тилида биринчи газета — «Камбағаллар овози» таъсис топган.

УЙҒУР халқининг мунаввар ўғли Абдулла Рўзибоқиев етакчилигида саводсиз халқ орасидан ёш қаламкашлар адабиёт майдонига чиқа бошлаганлар. Булар Умар Муҳаммадий, Абдулҳай Муҳаммадий, Турди Ҳасан (Гулистон), Мўмин Ҳамроев каби адиблар эди. 1937 йили бошланган қирғину таъқиблар барча халқларнинг бошига тушган офат бўлганлигини ҳамма билади. Аммо кичик халқлар учун янада мушкул бўлди. Жумладан, уйғурларнинг миллий маданиятидан асар ҳам қолмади. «Шарқ ҳақиқати» номи билан чиқаётган газета, уйғур тилидаги бадиий, сиёсий ва дарсликлар чиқариш нашриётлари, жумҳурилт уйғур театри, техникум ёпилди. Уйғур мактабларининг фаолияти тўхтатилди. Ўзбекистонда булардан ҳалигача бирортаси тикланганн йўқ.

Энг аянчлиси шундаки, уйғур зиёлилари ҳам «халқ душмани» сифатида айбландилар. Шулардан бири истеъдодли шоир ва ёзувчи Нур (Нурохун) Исроиловдир. Қаҳрли 1937 йил. Одамлар бир-бири билан сирлашишга журъат қилолмайдиган замон эди. Талабалик ҳаётим энди бошланган пайтда ўқишдан бўшатиб, Ўзбекистон дарсликлар чиқариш нашриётининг уйғур бўлимига муҳаррир қилиб юборишди. Нур оға билан шу ерда учрашганмиз. Орадан кўп ўтмай, «Нур Исроиловни опкетишибди», деган шум хабар тарқалди.

Унинг дўсти йигирма йил маҳбуслик қисматини кўрган, ҳозир Тошкентда яшаётган Қурвон Ҳезбоқиев эслайди:

«Бир гуруҳ уйғур зиёлиларини аввал Тоштурмага олиб келишди. Бир куни нариги камерадан Нурнинг қувончли овозини эшитиб қолдим: «Одош! Ўғил кўрдим, ўғил!». Аммо шўрпешонасига битган биттаю битта ўғлининг жамолини кўриб, қувониш бахтига эришолмади, дўстим».

Бир танишим ёрдамида Нур оғанинг ўғли Ренатни топдим. Тошкентда турашаркан. Уйларига бордим. Бир тўп сарғайиб кетган китоб, хатлар, фотосуратларни олдимга ёзиб қўйишди.

— Раҳматлик қайнонам билан Ренатнинг опалари авайлаб сақлаган Нур қайнотамнинг асарлари, Сибирь лагерларидан юборган хатлари, — деди Ренатнинг рафиқаси Лиля.

Ўнта асар: 1931 йилда нашр этилган биринчи шеърлар тўплами «Гонг нохшилари» («Пўлат нахшилари»)дан тортиб, «халқ душмани» бўлиб кетган «Ризвонгул» достонигача. Қизиғи шундаки, буларда «халқ душмани» деб айблаш учун баҳона бўларли бирор фикр ҳам учратмайсан киши. Нур Исроилов асарларининг асосий мавзуи — уйғур меҳнаткашларининг Октябрдан кейинги ҳаёти, қардош ўзбек халқи билан янги ҳаёт учун биргаликда кураш қилганликлари, Шарқий Туркистон уйғурларининг Гоминданг истибдодига ва маҳаллий золимларга қарши оғир курашларини ифодалашдан иборат.

Нур Исроилов 1910 йили ҳозирги Олмаота вилоятида камбағал оилада дунёга келади. Отадан эрта етим қолиб, бир бурда нон учун зор бўлиб, кун кечиради. Дастлаб қишлоғида очилган ибтидоий мактабда, кейинроқ Тошкентга келиб ўқийди.

Адибнинг ёзишича, унинг биринчи шеърлари 1929 йили Тошкентда уйғур тилида чиқадиган «Қутулиш» (кейин «Шарқ ҳақиқати») газетасида босила бошлаган. Унинг қисқа ижодий умри давомида ўн достон, повесть ва тўпламлар яратилиб, нашр эттирилган.

Нур Исроилов ўз замонасининг фарзанди эди. Янги ижтимоий ҳаёт белгилари: инқилоб, қизил байроқ, завод, фабрика каби ҳозир бизга ўз маъносидан бошқа ҳеч қандай ўзга мазмунни уқтирмайдиган тушунчалар у даврларда жуда катта ижтимоий-бадиий образларнинг ифодаси эди. Бу образлар янги ҳаётни, порлоқ истиқболни орзу қилиб, кураш майдонига тушган янги одамлар билан бирга яшар эди. Бу мавзуни «Ризвонгул», «Ҳокимжон», «Алқам» достонларида, «Қуйидан юқорига», «Қайном», «Гонг нохшилари» тўпламларида яққол кўрамиз. Шарқий Туркистондаги уйғур халқининг тақдири, миллий озодлик учун олиб бораётган курашларини ёзувчи икки китобдан иборат «Кунлар» ва «Гундихонадан» («Хитой қамоқхонаси») повестларида ифодалайди. Нур Исроилов болалар адабиётига ҳам ҳисса қўшган.

Қўлимда Туркистон ҳарбий округи ҳарбий трибуналининг 1956 йил 2 ноябрдаги қарори. Бу ҳужжатда Нур Исроилов тўғрисида 1938 йил 13 ноябрда чиқарилган қарор бекор қилинганлиги, ҳеч қандай айби бўлмаганлиги туфайли у бутунлай оқланганлиги таъкидланган. Аммо Нур оғага ёруғ кунларни кўриш насиб бўлмади.

Нур Исроиловни билган адабиётшунос олим Муҳсин Зокировнинг таъкидлашича, у Ғафур Ғулом, Ғайратий, Усмон Носир, Ҳамид Сулаймон каби машҳур ўзбек адиблари билан дўст бўлган. Унинг қатор шеърлари ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Ўз навбатида Н. Исроилов ўзбек шоирларининг шеърларини уйғур тилига ағдарган.

1991 йили Ўзбекистон уйғур маданияти жамияти номидан жумҳурият ёзувчилар уюшмасига уйғур адабиётининг асосчиларидан бири Нур Исроиловнинг 80 йиллик юбилейини ўтказишни таклиф қилдик. Ёзувчилар уюшмаси махсус қарор чиқарди. Афсуски у амалга ошмади.

Яна бир масала. Ҳаёти, ижодий фаолияти Ўзбекистонда ўтган Нур Исроилов номини абадийлаштириб, Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилса, кўнгиллар таскин топарди.

Х. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон уйғур маданияти жамиятининг фахрий ранси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Биринчи маротаба эълон қилинаётган бу сурат олима Фозила Сулаймонованинг айтишича, 1935 йилнинг биринчи ярмида Москвада олинган. Суратдаги айрим кишиларнинг исм-шарифларини аниқлашнинг иложи бўлмади. Тик турганлар [чапдан ўнгга] Нурий Олимов —адабиётшунос, Нур Исроилов, Ҳамид Сулаймон, Ражабов [ҳозир Душанбеда яшайди], Воҳид Абдулло, Бектемиров — адабиётшунос. Биринчи қаторда [ўнгдан чапга] иккинчи — машҳур олим ва шоир М. Шайхзода.

(Ушбу мақоланинг қалам ҳақини газета жамғармасига ўтказишингизни сўрайман).

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА •

ОЛТИ КИЛОГРАММДАН БУҒДОЙ

● Чимбой районидаги «Мойёб» давлат шоличилик хўжалиги маъмурияти, партия ташкилоти, касаба уюшмаси ҳозирги тақчиллик шароитда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашда ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Хўжаликда кунига 500 килограммдан ун тортадиган иккита тегирмон ишлаб турибди.

Давлат хўжалиги ўтган йили 190 гектар майдонга буғдой сепиб салкам 250 тонна ҳосил олди. Давлат хўжалигида ишлаётган ҳар бир ишловчининг оиласидаги кишиларни ҳисобга олиб, ойига бир марта жон бошига 6 килограммдан арзон буғдой берилмоқда. Шу кунларда 190 гектар майдонда кузги, 170 гектар баҳорги буғдойдан мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилинмоқда.

ХЎЖАЛИК БАЛИҚЛАРИ

● Етти хазинанинг бири — балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» жамоа хўжалигида 6 гектарлик балиқ урчитиш суниъий кўл барпо этилган.

Ўтган йили 2 тонна сазан ва бошқа хил балиқлар урчитишга қўйилган эди. Ҳозир улар анча йириклашган. Балиқ овлаш май ойи охиридан бошланган. Овланган балиқларнинг бир қисми арзон баҳода жамоа хўжалиги аъзоларига сотилмоқда. Қолган қисми эса савдога чиқарилади. Шу йилнинг ўзида балиқчиликдан 50 минг сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда.

МАДАНИЯТ САРОЙИ

● Турғунлик йилларида бошланган кўпгина капитал қурилишлар чала қолиб кетганди. Шундай қурилишлардан бири Беруний шаҳридаги маданият саройи эди.

Район раҳбарияти маданият саройининг қурилишини бошлаб, уни тезроқ ишга тушириш учун маблағ ҳам топди. Биринчи агроқурилиш трестига қарашли 308-хўжаликлараро механизациялаштирилган колонна қурувчилари, инженер-техниклари 1 миллион 520 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариб, маданият саройини битказдилар. Маданият саройида томошабинларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда 600 ўринли мажлислар хонаси, спорт зали, кутубхона, медицина пункти, буфет томошабинлар хизматида бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МУШТАРИЙ МУАММО ҚЎЯДИ •

ҚИЙИН БЎЛСА ҲАМ

Кейинги вақтда атоқли тилчи олимларимиз ҳозирги алфавитимизни ўзгартириб, лотин алфавитига ўтиш масаласини тарғиб қилмоқдалар. Аввало, айтиш керакки, мен тилчи эмасман. Лекин, ҳар қандай саводли одам, касбидан қатъи назар ўз тилини, адабиёти ва тарихини билиши зарур. Бунга бефарқ қарамаслик керак. Афсуски, баъзи олий маълумотлилар, ҳатто катта лавозимларда ўтирган мансабдор шахслар ҳам ўз миллий тилларида оддий хат ёзолмайдилар. Бунинг сабаби идораларда рус тилида иш юритилар эди. Қолаверса, алифбомизнинг ҳадеб ўзгараверишн ҳам сабаб бўлди.

Миллатимиз кўп асрлар араб алфавитида ёзиб, ўқиб келди. 1930 йилларга келиб ўзбек олимларининг таклифи билан лотин алфавитига ўтиб, кўп йиллик тарихимизни йўқотдик. Берунийдек, Навоийдек бобокалонларимизнинг асарларини ўқий олмайдиган бўлдик. Амир Темурдек соҳибқиронни қандай тарғиб қилган бўлсалар, шунга ишониб келавердик.

Менинг саводим лотин алфавитида чиққан. 1930 йилдан то 1940 йилларгача лотин алифбоси уч-тўрт марта ислоҳ қилинди, янги нусхалари яратилди. Охири рус (кириллица) алфавитига ўта бошладик. Менимча, бу алфавитга ўтишга бизни ҳеч ким мажбур қилмаган. Бунинг учун фақат марказни айблаш ноўрин. Ахир, грузин, арман ҳарфлари ўзгартани йўқ-ку.

Энди эллик йилдан ошди. Рус алфавитида ёзиш, ўқишга ўрганиб кетдик. У лотин алфавитига жуда ўхшаш, ноқулайлиги сезилмайди. Рус алфавитини билган одамга лотинчани ўрганиш жуда осон. Мактабда чет тили дарсларида ўқувчилар лотин алфавитини осонлик билан ўзлаштирадилар. Аммо рус алфавитидаги баъзи ноқулайликларни тузатиш лозим. Булар ҳақида «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 20 март сонидаги академик О. Акромхўжаев мақоласида яхши айтилган. Лекин, арзимаган тузатишга имкон бўлган камчиликларга асосланиб эллик йиллик меҳнатни хазон қилиш тўғри бўлмас. Мабодо лотинчага ўтсак, уни ўрганишга яна эллик йил талаб қилинади, ахир.

Тилшунос олим Азим Ҳожиевнинг шу йил 13 мартда эълон қилинган «Ўз алифбемизни яратайлик» мақоласида тарихни ўрганиш учун араб ёзувига қайтиш шарт эмас, деган фикрга қўшилолмайман. Тарихни ўрганаман деганлар араб ёзувини ўзлари ўрганаверсинлар демоқчи бўладилар. Тарихимизни яхши билишимиз керак, лекин араб алфавитини барча мустақил ўрганолмайди. Буни исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Менинг фикримча, рус алфавитидан лотинчага ўтиш ундаги қийинчиликларга, харажатларга арзимайди. Мактаб болалари, муаллимларни, редакция, босмахона ходимларини қийнаб қўямиз. Ундан кўра секин-аста араб алфавитига ўтсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг учун авало бошланғич мактаб муаллимларини тайёрлаш лозим.

Мустақил жумҳуриятимизга биринчи навбатда мусулмон давлатлари дўстлик қўлларини чўздилар. Араб давлатлари билан ҳар томонлама яқинлашиш учун ҳам араб алфавити ёрдам беради. Улар билан бизнинг урф-одатимиз, динимиз бир.

Ю. ҲАЙДАРОВ.
Самарқанд шаҳри.

• СПОРТ •

ШАХМАТ ДАҲОЛАРИ ТАБРИГИ

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси шахматчи йигитлар терма жамоасининг жаҳон шахмат олимпиадасида эришган муваффақияти мухлису мутасаддимутахассисларни беҳад қувонтирмоқда.

Умуман шахматчиларимизнинг йирик халқаро мусобақада илк бор қатнашиб, совринли иккинчи ўринни эгаллаши, мустақил Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг янада ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, маҳоратли ёшларни тарбиялаш борасида кенг имкониятлар борлигидан далолат берди. Шахматчилар устози Сергей Пинчук бошчилигидаги Валерий Логинов, Александр Ненашев, Григорий Серпер, Михаил Салтаев, Сергей Загребельний ва Саидали Йўлдошевлар ҳамжиҳатликни ўрнига қўйиб, энг кучли шахматчилар билан муросасиз баҳсда маҳорат кўрсатишди. Шахматчиларимизнинг совринли ўринни эгаллашлари республика спорт ҳаётида муҳим воқеага айланди.

Шахматчиларимиз Президентимиз И. А. Каримовнинг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

Бу муваффақиятга ҳаммага маълум ва машҳур, шахмат даҳолари деса арзигулик мутахассислар ҳам эътибор қилишмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Республикаси спорт комитетига телеграмма келди. Машҳур шахматчилар Ботвиник, Карпов ва Смисловлар имзо чеккан бу телеграммада қуйидаги сўзлар баён қилинган: «МДҲ шахмат уюшмаси Ўзбекистон шахматчи йигитлари терма жамоасининг жаҳон шахмат олимпиадасида эришган ажойиб муваффақияти билан чин дилдан қутлайди. Ўзбекиспон шахматчиларига янгидан-янги муваффақиятлар тилайди».

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

● ФУТБОЛ бўйича биринчи лига жамоалари Ўзбекистон чемпионатининг дастлабки даврасн учрашувларини якунлашди.

18-тур учрашувларидан сўнг кучли олтиликни ташкил этган жамоалар мавқеи қуйидагича бўлди: «Атласчи» (24 очко), «Бахт» (22), «Бағдодчи» (22), «Шифокор» (20), «Норин» (20), «Политотдел» (20).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИНИНГ ТЕРМИЗ БЎЛИМИ Кундузги бўлимга 1992—1993 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОМАТИК ЭЛЕКТР АЛОҚА (ихтисослари — электр алоқасини бошқарувчи тизимлар, дискерт ахборотларини узатиш ва автоматик коммутация тизимлари);
КЎП КАНАЛЛИ ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ (ихтисослари— алоқа ускуналарини ва иншоотларини ўрнатиш, кўп каналли узатиш тизимларини лойиҳалаш ва ишлатиш).

Кундузги бўлимга барча мутахассисликлар бўйича имтиҳонсиз, яъни тест усулида. Ўзбекистон Республикаси Талаба-танлов маркази томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатлар 10 июлдан 31 июлгача қабул қилинади. Тест синови 5 август куни ўтказилади.

Талабаликка тасдиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат комиссияси қарори билан тест синовлари натижаларига асосан расмийлаштирилади.

Кирувчилар ўз аризаларига қўшиб қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ўрта ёки ўрта махсус мактабни тамомлаганликлари ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 6 дона расм (3X4 см.), 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома қўшиб топширилади. Ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат ва паспорт шахсан кўрсатилади.

Институтда ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қабул масаласига оид барча маълумотларни Термиз бўлими қабул комиссиясидан олишингиз мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Термиз шаҳри, Ҳаким ат-Термизий шоҳ кўчаси, 13-уй. Телефон: 4-54-87.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ШИРИН ЭНЕРГЕТИКА ТЕХНИКУМИ 1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА:

1. 1005 — Иссиқлик электростанциялари иссиқлик-энергетика жиҳозларини ўрнатиш ва ишлатиш.
2. 2106 — Энергетика тизимларининг электр жиҳозлари ва автоматик воситаларини ишлатиш.
3. 0102 — Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг назорати, таҳлили.

ҲУЖЖАТЛАР 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Математика — оғзаки.
2. Она тили ва адабиёти — диктант.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асли.
3. 086/У формадаги тиббий маълумотнома.
4. 3×4 см катталикдаги 6 дона фотосурат.
5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун).
6. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизматга тааллуқли ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Ўқувчиларга умумий қондага мувофиқ стипендия берилади. Узоқ жойдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: 708228, Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, Просвещение кўчаси, 19-ўй.

Телефонлар: 5-51-45, 5-49-45, 5-51-16.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ БЎШ ЎРИНЛАР ЎЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Математик анализ кафедраси учун доцент (2 ўрин), ўқитувчи (2 ўрин).

2. Алгебра ва информатика кафедраси учун доцентлар (бир ўрин алгебра фани бўйича, бир ўрин информатика ва ҳисоблаш техникаси бўйича);

ўқитувчилар (бир ўрин алгебра фани бўйича, бир ўрин информатика ва ҳисоблаш техникаси бўйича).

Танлов муддати 25 августгача.

Доцентлар учун турар жой масаласи ижобий ҳал этилади.

Ўқитувчилар уй-жойни умумий асосларда оладилар.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-29-06, 56-28-03.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари). В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

386.914 нусхада чоп этилмоқда.

Нашр кўрсаткичи—64583. Буюртма № Г — 127. № 135

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.